



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 23 август, шанба • №68 (11.559) • Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Хоразм элининг улуг аждодларимизга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётгани, мураккаб табиий шароитларда матонат хусусиятларини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётгани, буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этишда, ёш авлодимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Андижон вилоятини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиёти ва салоҳиятини юксалтириш, барча тармоқларда ислохотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатаётгани, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий кадрларни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта ишларини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 август.



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси (ДАТК) ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган Тошкент – Нукус сафари айнан шундай номланди

Мазкур сафар мобайнида Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ҳамда республиканинг етакчи даврий нашрлари, хусусан, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти вакиллари билан иборат журналистлар гуруҳи компания йўлсозлари амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Вилоятимиз ҳудудини кесиб ўтган темирйўл бўйлаб елиб бораётган поезд тезлигидан завқланиб, ҳамкасбим, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК матбуот маркази раҳбари Сувонкул Рус-

тамовни гапга соламин: – Поезд деганда, имиллаб юривчи транспорт воситасини тушунардиқ. Тезлиги дуруст-ку...

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Барча даражалардаги, биринчи навбатда, ҳўжалик юриш субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига таъминланадиган бошқарув органлари ходимларининг амалдаги сонини ўрганиб чиқиш натижасида ходимлар сонининг асоссида

равишда ўсиши ҳамда ходимлар сони кўп бўлган бошқарув аппарати сақланиб келиниши билан боғлиқ салбий ҳолатлар аниқланди.

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқа-

рув тузилмалари раҳбарлари ҳар йили бошқарув аппарати қисқартирилишига қарамай, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сифатида ҳамон ҳаддан ташқари ортиқча

(Давоми 2-бетда).



**Олмалиқ шаҳрида
Ўзбекистон
мустақиллигининг
ўн икки йиллигига
бағишланган
байналминал
анжуман бўлиб ўтди**

ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ

Мамлакатимизда миллатлараро баҳамжиҳатлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик самараларига бағишланган бу маънавий-маърифий тадбир «Маънавият ва маърифат» республика маркази билан Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, металлурлар ва қурувчилар, ижтимоий соҳаларнинг ходимлари, жамоат ташкилотлари намоёндалари, мактаб ва коллежларнинг ўқувчилари иштирок этишди. Анжуманда Алишер Навоий номли академик опера ва балет театрининг

бош режиссёри, шоир Андрей Слоним, Ўзбекистон халқ артистлари — Давлат мукофотининг лауреати Қўркмас Мухиддинов билан Хусан Шарипов, композитор, пианиночи, Алишер Навоий номли академик опера ва балет театрининг рақс мураббийси Людмила Слонимлар ҳозир бўлишди. Тадбирда Олмалиқ шаҳар ҳокими Юрий Беланов иштирок этди.

Анжуманни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

(Давоми 3-бетда).



СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган сураатлар.

Истиқлол қизлари – юрт истиқболи

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Истиқлол қизлари – юрт истиқболи» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари, Президент стипендиантлари, турли жабҳаларда фаол ишлаётган истеъдодли қизлар, бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Юртимизда хотин-қизларнинг бадиий ижод, санъат,

тиббиёт, спорт, таълим-тарбия ва бошқа соҳалардаги ютуқларини рағбатлантириш, истеъдодини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш доимий эътиборда. Шу мақсадда ҳукуватимиз томонидан Зулфия номидаги давлат мукофоти, Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти, турли давлат ва жамоат ташкилотлари стипендиялари таъсис этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Истеъдод» жамғармаси гранти орқали бир қанча қизлар тараққий этган хорижий давлатларда таҳсил олаётир.

Аёллар ўртасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида ҳам кўпгина ишлар олиб борилаётир. Шу мақсадда жойларда ижтимоий кўникмалар марказлари ташкил этилмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга хунар ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашишда бундай тузилмалар фаолияти яхши натижа берапти.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д. Фулмова сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

кенгайтириб юборилган бошқарув ходимларига эгадирлар, уларнинг таъминотиغا ҳам бюджетдан ажратиладиган маблағлар, ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларидан ажратиладиган маблағлар кўп ҳолларда хизматларга нархлар ва тарифлар ўсиши ҳисобига сарфланмоқда. Бунга, шунингдек, бошқарув тузилмалари ходимларининг чекланган сонини хизмат кўрсатувчи ходимларни кўрсатмасдан тасдиқлашнинг мавжуд амалиёти ҳам имкон бермоқда.

Масалан, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви аппарати ходимларининг чекланган сони 58 нафар этиб белгилангани ҳолда унинг ходимларининг амалдаги умумий сони бундан 2,4 баравар кўпдир ва 137 нафарни, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходимлар 79 нафарни ташкил этади. "Ўзқишлоқхўжалик-кимё", "Ўзбектуризм" компаниялари, "Ўзмашсаноат" уюшмаси, "Ўзфармсаноат" давлат концернида ҳам аҳвол худди шундай. Уларда ходимларнинг амалдаги умумий сони бошқарув ходимларининг белгиланган сонидан 2 баравардан ортиқдир.

Бошқарув органлари ходимлари сонини тартибга солиш, маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, улар таъминотиغا сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

ҳам бюджет маблағлари, ҳам хўжалик фаолиятдан маблағ ажратиш ҳисобига маблағ билан таъминланадиган давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони, маъмурий-бошқарув ходимлари, шу жумладан алоҳида ажратиш кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарув органлари аппарати ходимларининг белгиланган чекланган умумий сонига риоя қилиниши, унинг ўзгариши динамикаси ва манбаларидан қатъи назар бошқарув аппарати таъминоти-га харажатларнинг мониторингини олиб боради.

Вазирликлар, идоралар, давлат кўмиталари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув органлари раҳбарларига улар учун белгиланган ходимларнинг умумий сони ва уларнинг таъминоти-га чекланган харажатлар доирасида бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари-

нинг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари бўйича бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг ҳисоблаб чиқилган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2004 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларининг харажатлари сметаси ва молиялаштирилиши рўйхатдан ўтказишни бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг тасдиқланган ҳисоблаб чиқилган нормативларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарор қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширсин.

4. Солиқ органларига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сонидан ортиқча ходимлар сақланиши аниқланган тақдирда бюджетдан таъминланадиган ташкилот бўлмаган тегишли бошқарув органларидан қўшимча равишда сақлаб келинган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг йиллик фонди миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳоллар давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларида аниқланган тақдирда ушбу ташкилотлар раҳбарлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

5. Белгилансинки, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқарув органлари сонидан ходимларнинг умумий сонини қисқартириш натижасида тежалган маблағ олиб қўйилмайди ва ушбу органларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси: статистика ҳисоботи шакллари-га мазкур қарор талабларига мувофиқ ахборот тақдим этилишини таъминловчи тегишли ўзгартиришлар киритсин; молия органларига бошқарув органлари ходимлари умумий сони мониторингини олиб бориш учун тегишли ахборотни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 август.



ҲОСИЛ БУЛИҚ, УРУҒЛИК СИФАТЛИ

Зангиота туманидаги «Бўзсув» ширкат хўжалиги уруғчиликка ихтисослашган.

Бу йил галла учун ажратилган 480 гектар майдоннинг 230 гектарида «Бўзсув-1» навли бугдой уруғи етиштирилди. Умумий ҳосилдорлик 46 центнерданга тўғри келди. Жами 500 тонна уруғлик тайёрланди.

Хўжаликнинг 74 нафар пудратчиси помидор уруғи етиштириш билан ҳам шуғулланади. Улар 100 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир кунига 40-50 тонна помидор териб топширмақдалар.

Шу кунгача уруғлик цехида 500 тоннага яқин помидор қайта ишланиб, консерва заводига 450 тоннадан зиёд томат қўйқаси етказиб



берилди. Бу йил жами 3-3,5 тонна помидор уруғи тайёрлаш режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: (ўнгдан чапга) уруғчилик бўйича ҳосилот Аваз Алимов ва цех бошлиғи

Тўлаган Сафаров маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; цехда помидорни қайта ишлаш пайти.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда

Халқ банки кўп йиллик тарихга эга бўлган универсал банклар сирасига киради. Бугунги кунда унинг 14 ҳудудий, 190 туман (шаҳар) филиали, 59 минибанки ва 2700 дан ортиқ шохобчаси мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Банкда аҳолига янада сифатлироқ, жаҳон андозалари талабларига мос равишда хизмат кўрсатиш мақсадида халқаро молия институтлари билан кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Банкнинг маркетинг бўлиmidан хабар қилишларича, ҳозир АҚШнинг "ЖИ ПИ Морган Чейз" банки, Германиянинг "Коммерцбанк" ва Берлиннербанклари, Голландиянинг АБН АМРО банки ҳамда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигидаги Осие-Инвест банклари билан корреспондентлик алоқалари олиб борилаётди.

Айтиш жоизки, шу йил май ойида банк Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон жамғарма банклари институтининг 20-жаҳон конгресси-

да Германиянинг Халқаро жамғарма кассалари фонди билан ўзаро шериклик тўғрисида шартнома имзоланишига эришди. Мазкур шартномага мувофиқ банк тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга техник ёрдам кўрсатиш юзасидан лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда.

Банк Халқаро жамғарма банклари уюшмаси, "SWIFT", "WESTERN UNION" халқаро тўлов тизимлари аззоси ҳисобланади. Бу эса фуқароларга хориж валютасидаги пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига ўтказиш имкониятини яратмоқда. Шу йилнинг 1 августигача 15 мингдан ортиқ фуқаро банкнинг шу хизмат туридан фойдаланди.

Ў.А.

"Самарқанд марвариди"

"Совластитал" қўшма корхонаси мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида "Самарқанд марвариди" деб номланган шиша буюмлар туркумини ишлаб чиқара бошлади.

Унда кўхна шаҳарнинг қадимий осори атиқалари ва ёдгорликлари тасвири ўзига хос жозибали тарзда акс эттирилган.

Корхонада чинни ва сопол-

дан бадий буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тобора ортмоқда. Ҳозир уларнинг тури икки юз ўттиздан ошди. Шўртан газ-кимё комплексининг ишга туширилиши унинг четдан кел-

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Паркент туманидаги Навбахор қишлоғида 240 ўринли янги мактаб фойдаланишига топширилди.

Янги ўқув йили — янги мактабда

Мактаб қурилиши ҳамда уни замонавий ўқув анжомлари билан таъминлашга 250 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Янги мактабдаги ўн та фан кабинети тўла жиҳозланди. Компьютер синфи ташкил этилди.

— Навбахор қишлоғида 1 минг 800 хонадон мавжуд, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири М. Ҳасанов. — Очиги, шу пайтгача болалар кўп қаватли уйдаги мослаштирилган хоналарда ўқирди. Улар янги ўқув йилини ширкат хўжалиги, фермерлар, ота-оналар кўмаги билан бунёд этилган замонавий мактабда бошлайди.

Ў.А.

тирилаётган хомашёга бўлган эҳтиёжини камайтирди.

Айни кунда корхонада йилга етти минг турдаги олти миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилмоқда. Италия, Япония, Германия, Корея технологиялари асосида тайёрланаётган маҳсулотларнинг каттагина қисми ўттиздан зиёд хорижий давлатга экспорт қилинаётди.

Ў.А.

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

БУЮК КЕЛАЖАК ИШОНЧИ

Ўзбекистонда ҳозирги авлод ниҳоятда ноёб, файзли ва нурли, лекин мураккаб бир даврни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти, мустақил ҳуқуқий давлат шаклланимоқда. Ўтган ўн икки йил бу жараёнларда муҳим босқич бўлиб, янгиланаётган жамият ва давлатнинг ҳуқуқий пойдевори қўйилди. Кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ҳар жиҳатдан тан олинмоқда.

Кеча, ҳатто, болалар пойабзалини хориждан олиб келган юрт бугун жаҳон бозорида ўз рангли метали, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ва кенг истеъмол буюмлари билан савдо қила бошлади.

Бу жараёнга Олмалик шаҳри, унинг кўпмиллатли меҳнат жамоалари қўшаётган ҳисса ниҳоятда катта. Бу ердаги конларда ноёб маъданлар қазилиб, конметаллургия корхоналарида улардан олтин, кумуш, рух, кадмий ва бошқа ноёб металллар ажратиб олинди. Олмалик металлари ўз сифати жиҳатидан ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотлар билан рақобатлашапти. Улар жаҳон бозорида эътироф этилиб, нуфузли мукофотлар билан тақдирланмоқда.

— Ҳолбуки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда турли «башоратчилар» ана энди бу диёрда миллатлараро нотинчликлар бошланди, Ўзбекистон иқтисодий таъини таназзулга юз тутди, деб гап тарқатган эдилар, — деди республика «Маънавият ва маърифат» марказининг раҳбари Қуддус Аъзамов.

Анжуман унинг «Мустақиллик ва маънавият» мавзусидаги маърузаси билан бошланди. Воиз мустақиллик йилларида мамлакатимизда юз берган ўзгаришлар, бу янгиланиш жараёнлари осон кечмаётганлиги, мамлакатимизни ўз Ватани деб ҳисобловчи юздан ортиқ миллат фарзандлари баҳамжиҳат меҳнат қилаётганлиги ҳақида гапирди. Биз миллатчилик, диний ақидапарастликни, улар қандай кўриниш ва шаклда намоён бўлмасин, бартараф этиб, Президент раҳбарлигида ишлаб чи-

қилган муҳим-муҳим дастурларни амалга оширмоқдамиз. Бугунги натижалар истиқболга, Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончни мустаҳкамламоқда.

БУ ОСМОН ОСТИДА ЯГОНА ҚУЁШ

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-

рорлик ҳукм сурмоқда. Айтилик, Олмаликда русу татар, қозоғу қирғиз — ҳамма Конституцияда белгиланган ҳуқуқлардан, ўз салоҳиятини ва иқтидорини намоён этишда бир хил имкониятлардан фойдаланиб яшамоқда, ўз турмушини ташкил этмоқда, оилаида маъмурчиликни таъминлаш йўлида изланмоқда.

Бугун Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик барқарор. Миллатларнинг аъна-

миллат намоёндалари ҳеч бир ҳайиқишларсиз, эркин-эмин яшамоқда. Бу тинчликка таҳдид қилувчи кучлар қандай зарбага дуч келишлари аниқлигини жанубий чегараларимиздаги, Сурхондарё ва Бурчмулла тоғларидаги воқеалар яққол кўрсатди.

Шу боис ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, олий неъмат — мустақиллигимизни ардоқлаб, ҳимоялашимиз, шу азиз Ватан куч-қуд-

ТИЛЛАР ТУРЛИЧА, ДИЛЛАР ЯГОНА

Анжуманга шоир ва санъаткорлар ўзгача бир файзу тароват бағишладди. Истеъдодли хонанда Тошпўлат Маткаримов ижро этган кўшиқнинг «Тинч ўтган ҳар кунинг байраму байрам» сўзларига гулзор теварагидаги сершабада павильонларни тўлдириб ўтирган кекса-ю ёш, қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, бир овоздан завқ-шавқ ила жўр бўлди. Бу бирдамликка Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шариповнинг икки — ўзбек ва рус тилларида бирдек маҳорат билан ижро этган ҳикоят латифалари яна ҳам жўшқин рух бағишлади. Сўлим боғ узра олқишу хандон кулги тўлқинланиб-тўлқинланиб давом этди.

Шоир Андрей Слонимнинг «Она мадҳияси» шеърини барча миллат фарзандлари жон қулоқлари билан тинглашди. Зеро, она пойига таъзим барча миллатга хос, она қадри жамики халқлар учун азиз. Чунки, она, бу — ҳаёт, она, бу — хонадон чароғонлиги, она, бу — оила, маҳалла, юрт, Ватанда тинчлик, тотувлик барқарорлигининг рамзи.

— Умримни қурама тоғлари этагидаги шу sanoat шаҳрида ўтказдим, — деди Ойдин маҳалласи кўмитасининг раиси Зера Фаниева. — Ўттиз йилга яқин маданият муассасаларини барпо этиш, шу шаҳар sanoat корхоналарида меҳнат қилаётган юзга яқин миллат фарзандларига маданий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш масалалари билан шуғулландим.

Бугун Ойдин маҳалласида олиб борилаётган маънавий-маданий тарбия ишларига бош-қошман. Мустақилликнинг ўн икки йили мобайнида маҳалламиз қиёфасини таниб бўлмади қолди. Рус, ўзбек, қозоқ, украин, мардвин, марий, татар, корейс, қирғиз оилалари ёнма-ён, бири-бирига мадақдор бўлиб яшамоқда. Истиқлол миллатлараро дўстлик аъналарини ўзбекона бағрикенглик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, хайр-барака тамойиллари билан бойитмоқда. Маҳалламизнинг Любовь Пацева, Анифе Курсаидова ва бошқа фаоллари байналминал маданият кечалари, уч авлод учрашувлари, мароқли суҳбатлар уюштириб, маънавий тарбия ишларини янги мазмун билан бойитмоқдалар. Биз мустақиллик байрамини кенг нишонламоқдамиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

Сўз — анжуман иштирокчиларига



УШБУ ЮРТ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Виктор ТИМОШЧУК,
мис эритиш заводи меҳнат
муҳофазаси бўлимининг
мудири, украин миллий
маданият маркази
бошқарувининг раиси:

— Шаҳримиз мустақил Ўзбекистон рангли металлургия ва кимё sanoatининг йирик бир маркази бўлиб қолди. Sanoat корхоналари, қурилиш ташкилотлари, хизмат кўрсатиш ва маданият муассасаларида 700 дан ортиқ украин мутахассислари меҳнат қилиб, ўз билим, тажриба ва малакаларини истиқлол самараларини оширишга сарфлашмоқда. Улар орасида Александр Кипот, Владимир Погорелый, Валерий Доля, Вера Наймушина, Василий Подгайченко сингари юқори малакали мутахассислар бор. Биз Ўзбекистонда туғилиб-ўсдик, бу юрт биз учун ягона Ватан. Уз миллий урф-одатларимиз, аъналаримиз, маданий меросимизни сақлаб, бойитиб, фарзандларимиз мулкига айлантириш имкониятига эгамиз. Мамлакат Конституцияси, қонунлари ҳар бир миллатнинг эркин-эминлиги, равнақи учун ҳуқуқий асослар яратиб берди.

ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Ботир ТОИРОВ,
фахрий қурувчи:

— Ҳар тонг шаҳар айланмиш одатим бор. Адл кўчалар, унинг ёнбошидаги гулзор майдонлар, сўлим «Олесья» болалар истироҳатгоҳида сайр қилиб, роҳатланаман.

Мен Олмалик шаҳри билан тенгма-тенг улгайдим. Авжи навқирон йигитлик йилларим Пскентнинг Гулистон қишлоғидан келиб, шу sanoat шаҳрини қуришда қатнашганман. Мис бойитиш фабрикаси, темирйўл, металлургия маданият саройини, мактаб ва боғчаларни, қанча-қанча уй-жойларни турли миллат фарзандлари ёнма-ён туриб барпо этганмиз. Бугун бу иншоотлар Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришга, маданий ҳаётни янгилашга изга солишга хизмат қилаётганлигини кўриб гурурланаман. Бугунги авлод меҳнатимиз самараларидан баҳраманд бўлиб, янги — овоз ва мустақил ҳаёт кўрмоқда. Билимга иштиёқи баланд, янгилликларга ўч, миллий истиқлолга садоқатли турли миллат йигит-қизлари шаҳримизни янада обод қилиб, гуллаб-яшнапти, янги кўркем бинолар, иншоотлар, катта-кичик корхоналар барпо этишмоқда.



маърифий ҳаёт янги мазмун ва моҳият касб этаётир. Турли миллатларнинг урф-одатларини, маданий меросини тиклаш, она тилини сақлаш ва ёшларга ўргатиш, диний ва миллий бағрикенглик асосида жамиятда миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликни кучайтириш бу жараённинг ўзагини ташкил этмоқда.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқа-

ва одатлари, маънавий маданиятлари бир-бирини тўлдириб, бойитмоқда.

Бугун Ўзбекистонда ҳамма ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояланишига ишонади. Чунки, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган, Президентимиз эса қонунчиликка риоя этилишининг кафолатидир.

Бугун мамлакат тинч, шаҳар-қишлоқлар обод, барча

ратини мустаҳкамлашимиз лозим. Зеро, у — барчамизники. Унинг осмониде ягона қуёш бағримизни иситиб турибди. Унинг тафтидан шу замин баҳраманд. Унда яшаб, умргузаронлик қилаётган ўзбек ҳам, рус ҳам, қозоғу қирғиз... ҳам бирдек баҳраманд. Ҳаммамиз баҳрамандмиз. Ҳаммамиз ягона Ватан фарзандларимиз. Унинг иқболи — бизнинг бахтимиз.

Dushanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!

«Ўзбекистон» телеканал 25 август кунни.

Ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

- 15.00 «Тахлилнома».
- 15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
- 16.05 «Миллат келажиги деб». 6-қисм.
- 16.25 «Шарқ тароналари» фестивали олдидан.
- 16.45 «Камила». Телесериал.
- 17.15 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
- 17.35 «Покахонтас». Мультсериал.
- 18.00 Янгилıklar.
- 18.10 «Мулкдор».
- 18.30 «Ахборот» (рус тилида)
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «Шарқ тароналари» фестивалининг тантанали очилиши.
- 21.00 «Ахборот».
- 21.30 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
- 21.50 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
- 22.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».

- 22.45 «Ахборот-дайжест».
- 23.05 «Ширин булоқ». Бадий фильм.
- 00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

- 16.30 Кўрсатувлар дастури.
- 16.35 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой экрани, Соғлом авлод.
- 17.00 Жаҳон жуғрофияси.
- 17.50 ТВ - анонс.
- 17.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Қашқадарё вилояти.
- 18.30 Ёшлар овози.
- 18.50 Олтин мерос.
- 18.55, 21.55 Иқлим.

- 19.00 Давр.
- 19.35 ТВ - анонс.
- 19.40 Одил сўз.
- 20.00 Муסיкий лаҳзалар.
- 20.10 Мехр кўзда. Мактубларга шарҳ.
- 20.30 Сув - ҳаёт манбаи.
- 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
- 20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
- 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
- 21.50 Олтин мерос.
- 22.00 Давр.
- 22.40 ТВ-анонс.
- 22.45 Ҳандалак плюс.
- 22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
- 0.20 -0.25 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

- 17.10 Кўрсатувлар

- тартиби.
- 17.20 ТТҲда сериал.
- «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
- 17.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
- 18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
- 18.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
- 18.30, 21.00, 22.25 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 18.50 «Ўзбектефильм» студияси намойиш этади: «Водил».
- 19.00 «Шарқ тароналари» фестивалининг тантанали очилиши.
- 21.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 22-қисм.
- 22.05 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
- 22.45 «Аvto-news».
- 23.25 Кинонигоҳ.

- «Эдемга қайтиш».
- 00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.

- 16.30 Кўрсатувлар тартиби.
- 16.35 «Вести».
- 16.45 «Мультсеанс».
- 17.00 «Евроныйос» янгилıkları.
- 17.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
- 17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
- 18.50 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
- 19.15 «Кулгу хонаси».
- 20.00 «Время».
- 20.30 «Бизнес ревью».
- 20.35 «Ҳикоя».
- 20.55 «Флоренс Найтингел».
- 21.20 «Ҳинд оҳанглари».

- 21.45 Кинематограф. «Найранг». Бадий фильм.
- 23.15 «Ахборот».
- 23.50 «Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати». Франциядан олиб кўрсатилади.
- 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.

- 16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Хавфли касб». 19.30 «Ошиқона» муסיкий дастури. 19.45 «Муз даври». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Жандарм сайрда». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35, 17.55 ТВ маркет.
- 8.40 Газеталар шарҳи.
- 9.00 «Камалак».
- Болалар учун кинодастур.
- 9.25 «Соз сеҳри».
- 9.40 «Нурли манзиллар».
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
- 10.05 «Орзулар камалаги». Бадий фильм.
- 11.10 «Мулкдор».
- 11.30 Болалар спорти: «Биз спортчилар оиласимиз, сафимизга қўшилиш».
- 11.45 Муסיкий танаффус.
- 12.05 «Кўпчилик қаторида».
- 12.25, 15.25 ТВ анонс. Ёзги таътил кунларида.
- «Болалар сайёраси»: 12.30 1. «Еш юлдузлар».
2. «Олтин тож».

- Телевизион ўйин.
- 13.30 «Муносабат».
- 14.10 «КиноТеатр».
- 14.30 «Шу азиз Ватан барчамизники».
- 14.55 ТВ клип.
- 15.05 «Чорраҳа».
- 15.30 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
- 16.05 «Камила». Телесериал.
- 16.35 Самбо бўйича аёллар фестивали.
- 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
- 18.10 «Обод маҳалла бўл яна кўркам».
- 18.30 Мумтоз наволар.
- 18.45 «Олтин бешик».
- 19.05 «Тафсилот».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
- 20.00 Оқшом эртақлари.
- 20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 Мустақиллик иншоотлари.
- 21.25 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.

- 21.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
- 22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига.
- «Шу азиз Ватан барчамизники».
- 22.40 «Ахборот-дайжест».
- 23.00 «Вашингтон майдонидаги уй». Бадий фильм.
- 00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
- 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
- 9.00 Давр.
- 9.15 ТВ - анонс.
- 9.20 Тонги сериал: «Сардор». Телевизион бадий фильм 1-қисм.
- 9.45 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт.
- 10.20 «Сеҳрли аждар». Мультфильм.
- 10.45 Одил сўз.
- 11.05 Кинотақдим.
- 11.25 «Гвадалупе». Телесериал.

- 12.05 Ёшлар овози.
- 12.25 Сув - ҳаёт манбаи.
- 12.35 «Учрашув».
- 12.55 ТВ - анонс.
- 13.00 Давр.
- 13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
- 13.35 «Янги авлод» почтаси.
- 13.50 Интерфутбол.
- 15.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
- 15.50 Болалар экрани: «Тилсимой - гаройиб кизалоқ».
- 17.05 ТВ - анонс.
- 17.10 Кўрсатувлар дастури.
- 17.15 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой миз-гизингтоймиз.
- 17.35 Қўли гул уста.
- 17.55 Минг бир маслаҳат.
- 18.15 «Умр дафтари» туркумидан: «Зулфия». Видеофильм 1-қисм.
- 18.30 Ёшлар овози.
- 18.50 Олтин мерос.
- 18.55, 21.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 «Давр» - интервью.
- 19.50 ТВ - анонс.
- 19.55 Ёшлар. Дўстлик.
- 20.15 Муסיкий лаҳзалар.

- 20.25 Кутқарув «050».
- 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
- 20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
- 21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакатини». Видеофильм. 5-қисм
- 21.50 Олтин мерос.
- 22.00 Давр.
- 22.40 ТВ-анонс.
- 22.45 Ҳандалак плюс.
- 22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
- 23.50 - 23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.20 ТТҲда сериал.
- «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
- 17.45 «Спорт ва болалар».
- 18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
- 18.10 «Ҳикоя».
- 18.30, 20.00, 21.30, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 18.50 «Табриклаймиз-

- қутлаймиз».
- 19.10 «ТТҲда сериал. «Айрилик азоби».
- 20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 23-қисм.
- 21.10 «Ҳамшаҳарлар».
- 21.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан «Замонамиз қаҳрамони».
- 22.35 Кинонигоҳ. «Эдемга қайтиш».
- 23.15-23.20 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

- 6.30 - 8.00.
- 16.30 Кўрсатувлар тартиби.
- 16.35 «Вести».
- 16.45 «Жаҳон рақслари».
- 17.05 «Евроныйос» янгилıkları.
- 17.20 «Машҳурлар».
- 17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
- 18.50 «Кўнги-кўнги пайванд».
- 19.25 «Муסיкий серпантин».
- 20.00 «Время».
- 20.30 «Бизнес ревью».
- 20.35 «Х-Спорт».
- 20.55 «Хайл». Хужжатли

- фильм.
- 21.05 «FCN Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
- 21.15 Кинематограф. «Маҳзун қалблар меҳмонхонаси». Бадий фильм.
- 22.50 «Ахборот».
- 23.25 «Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати». Франциядан олиб кўрсатилади.
- 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

- 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Жандарм сайрда». Комедия. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт». 16.50 «Ҳужжатли сериал». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Катта тўзқ». 19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 19.45 «Муз даври». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Етти фарзанд». 23.15 Реслинг танлари.

Chorshanba

27

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35, 17.55 ТВ маркет.
- 8.40 Газеталар шарҳи.
- 9.00 «Ўзбектефильм» намойиши: «Маҳалланг тинч, сен тинч». Премьера.
- 9.20 «Олтин бешик».
- 9.40 «Тафсилот».
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
- 10.05 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 1-қисм.
- 11.05 «Буюк аждодларимиз».
- 11.25 «Олтин оху». Мультфильм.
- 11.55, 13.55 ТВ анонс.
- 12.05 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изидан».
- 12.25 «Жиз-биз». Хажвий кўрсатув.
- 12.50 «Мустақиллик иншоотлари».
- 13.10 «Яхшилик».
- 14.10 Кундузги сеанс: «Кизил олма». Бадий фильм.

- 15.25 «Шу азиз Ватан барчамизники».
- 15.50 Самбо бўйича аёллар фестивали.
- 16.10 «Ягона оилада».
- 16.40 «Камила». Телесериал.
- Ёзги таътил кунларида.
- «Болалар сайёраси»: 17.10 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Болаликнинг мовий осмони».
- 18.10 «Ўзбектефильм» намойиши: «Қорақалпоғистон юксалиш йўлида». Премьера.
- 18.50 «Довонлар оша».
- 19.10 «Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
- 20.00 Оқшом эртақлари.
- 20.15 «Юзма-юз».
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси олдидан. «Парламент вақти».
- 21.25 «Шарқ таронала-

- ри» фестивали кундалиги.
- 21.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
- 22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига.
- «Шу азиз Ватан барчамизники».
- 22.35 «Ахборот-дайжест».
- 22.55 «Тоғлик қув».
- Бадий фильм.
- 00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
- 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
- 9.00 Давр.
- 9.15 ТВ - анонс.
- 9.20 Тонги сериал: «Сардор». Телевизион бадий фильм 2-қисм.
- 10.00 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой миз-гизингтоймиз.
- 10.20 «Мульттомоша».
- 10.35 «Давр» - интервью.
- 10.50 Қўли гул уста.
- 11.10 Ёшлар. Дўстлик.

- Мехр.
- 11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
- 12.10 Ёшлар овози.
- 12.30 «Мехр кўзда». Мактубларга шарҳ.
- 12.50 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
- 13.00 Давр.
- 13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
- 13.35 Болалар шеърляти.
- 13.45 ТВ - анонс.
- 13.50 Озод юрт фарзандлари.
- 14.10 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
- 15.10 «Қайнона». Бадий фильм.
- 16.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Сурхондарё вилояти.
- 17.00 Кўрсатувлар дастури.
- 17.05 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
- 17.25 Маҳалламиз болалари.
- 17.45 Ёшлар овози.
- 18.05 «Умр дафтари» туркумидан: «Зулфия». Видеофильм 2-қисм.

- 18.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан.
- «Бахтли бўлоқ шартини». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 18.35 ТВ - анонс.
- 18.40 Каталог.
- 18.50 Олтин мерос.
- 18.55, 21.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 ТВ - анонс.
- 19.40 Ҳазил соғинчи.
- 20.00 Спорт-лото.
- 20.10 Муסיкий лаҳзалар.
- 20.20 Юртим кишилари.
- 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
- 20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
- 21.30 Чемпион сирлари.
- 21.50 Олтин мерос.
- 22.00 Давр.
- 22.40 ТВ-анонс.
- 22.45 Ҳандалак плюс.
- 22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
- 0.20-0.25 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.20 ТТҲда сериал.
- «Ақлдан оздирадиган

- ўйинлар».
- 18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
- 18.10 «Муסיкий меҳмонхона».
- 18.30, 20.00, 21.30, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
- 19.10 ТТҲда сериал. «Айрилик азоби».
- 20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 24-қисм.
- 21.10 «Аёл она, мурабий раҳбар» телеклуби.
- 21.50 «Умр йўлдоши».
- 22.20 ТТҲда сериал. «Эдемга қайтиш».
- 23.25 Кинонигоҳ.
- «Хоним ва қароқчи».
- 00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

- БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.
- 16.30 Кўрсатувлар тартиби.
- 16.35 «Вести».
- 16.45 «Мультсеанс».
- 17.05 «Евроныйос» янгилıkları.
- 17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Хажвий кўрсатув.
- 17.50 «Ишонч ва

- муҳаббат замини». Сериал.
- 18.50 «Менинг шаҳрим».
- 19.15 «Олам бўйлаб».
- 20.00 «Время».
- 20.30 «Бизнес ревью».
- 20.35 «Спорт технологияси».
- 20.50 Кинематограф. «Зарбли футбол». Бадий фильм.
- 22.45 «Ахборот».
- 22.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

- 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Етти фарзанд». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт». 16.40 «Ҳужжатли сериал». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Аҳмоқлар». 19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 19.45 «Муз даври». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Яшамоклик ўйини». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

28

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 ТВ маркет.
- 8.40 Газеталар шарҳи.
- Ёзги таътил кунларида.
- «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Болаликнинг мовий осмони».
3. «Қуёшда пишган

- нон». Мультфильм.
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
- 10.05 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 2-қисм.
- 11.05 «Буюк аждодларимиз».
- 11.30 Симфоник муסיқа дунёси.
- 11.55 ТВ анонс.
- 12.05 «Енгоқ новдаси». Мультфильм.
- 12.25 «Парламент вақти».
- 12.50 «Шу азиз Ватан барчамизники».
- 13.10, 16.05 ТВ-клип

- 13.20 «Портретга чизилар».
- 13.40 «Келинг, бир кулишайлик». А. Акбаров.
- 14.10 «Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
- 14.25 Кундузги сеанс: «Маҳаллада дув-дув гап». Бадий фильм.
- 15.45 «Оламни асранг!».
- 16.05 ТВ клип.
- 16.15 «Камила». Телесериал.
- Ёзги таътил кунларида.
- «Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Сеҳрли харфлар оралчаси».
2. «Эртанги кун эгалари».
- 17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.

- 18.10 «Олимп сари йўл». Спорт дастури.
- 18.25 «Ўзбектефильм» намойиши: «Фарбу Шарқ Ўзбекистонда. Учрашди». Премьера.
- 18.50 Эстрада тароналари.
- 19.05 «Эл саломатлиги йўлида».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
- 20.00 «Оқшом эртақлари».
- 20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 Ўзбекистон Республикаси муста-

- қиллигининг 12 йиллигига.
- «Миллат келажиги деб». 7-қисм.
- 21.25 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.
- 21.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
- 22.15 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.
- 22.45 ТВ клип.
- 22.55 «Ахборот-дайжест».
- 23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

- қиллигининг 12 йиллигига.

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
- 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
- 9.00 Давр.
- 9.15 ТВ - анонс.
- 9.20 Тонги сериал: «Сардор». Телевизион бадий фильм 3-қисм.
- 9.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
- 10.15 Маҳалламиз болалари.
- 10.35 ТВ - анонс.
- 10.40 Тафаккур ёлқинлари.
- 10.55 Ёшлар овози.
- 11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
- 11.55 Спорт - қитъаси (рус тилида)

- 12.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
- 12.45 Сув - ҳаёт манбаи.
- 12.55 ТВ - анонс.
- 13.00 Давр.
- 13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
- 13.35 Бахтли болалик қўшиқлари.</



— Бу компаниямиз бажараётган ишларнинг амалдаги ифодаси, — деди суҳбатдошим. — Мамлакатнинг инвестиция дастури доирасида темирйўл транспортда мавжуд йўллари лозим даражага келтириш ва локомотив паркни янгилаш ҳамда модернизациялаш кўзда тутилган. Йил бошидан буён капитал таъмирдан чиқарилган 113,6 километр йўлнинг 49,4 километр қисми Осиё Тараққиёт банки сармоясига тўғри келади. Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланилиши, Австриядан олинган йўл машиналарининг унумли ишлатилиши натижасида Келес — Сирдарё йўналишида темирйўл излари алмаштирилиб, ҳаракат тезлигини 130 километр/соатга кўтариш имкони юзга келди. Реконструкция ишларини давом эттириб, жорий йилнинг охиригача Тошкент — Самарқанд йўналишида катновчи йўловчи поездлар ана шу тезликда ҳаракатланишига эришиш ниятидамиз. Шу мақсадларда Хитой Халқ Республикасидан келгуси йилнинг май ойигача 12 та юқори қувватли, энг замонавий электровоз қабул қилиш кутиляпти. Уларнинг биринчиси уч ойдан сўнг Тошкентга етиб келади. Қарабизки, поездларимиз ҳозир пойтахтдан Самарқандга 4 соат 50 минутда бораётган бўлса, шу йилнинг кузига бориб, улар бу масофани уч ярим соатда босиб ўтади.

Нима ҳам дердик. Компания вакилининг фахрланганича бор. Тошкент — Ангрэн йўналишида мавжуд темирйўл шахобчасининг электрлаштирилиши компаниянинг республика ҳукумати томонидан тасдиқланган электрлаштириш (Давоми. Боши 1-бетда).

дастури асосида режалаштирилди ва ишлар бошлаб юборилди. Тошкент — Хўжакент йўналишида поездларнинг тезлигини ошириш ва дам олиш ҳудудларига борувчи пойтахт ва вилоят аҳолиси катновини яхшилаш мақсадида

юқори сифатли сервис хизмати йўлга қўйилди. Бу йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган тезорар поездларда замонавий барча шароитлар мавжуд.

Компания раҳбарияти ижтимоий шароитни ривожлантиришга, темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари дам олишини ташкиллаштиришга, саломатликларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

Масалан, Бўстонлик туманидаги тоғ бағрида жойлашган 350 ўринли «Хўжакент» пансионатини, Чорвоқ дам олиш ҳудудини қайта реконструкциялаш дастури доирасида компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига тўла қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу ерда фақат темирйўлчи-

ларгина эмас, вилоят аҳли ҳам дам олади. Пансионатда сузиш ҳавзаси, замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуи мавжуд.

Швейцария меъморчилиги усулида қурилган, ҳашаматли замонавий бинода жойлашган, 250 ўринли «Назарбек» сихатгоҳини билмаган одам топилмаса керак. Зангиота туманидаги ушбу муассасада мустақилликнинг ўн икки йиллигига бағишлаб, 110 кишига мўлжалланган навбатдаги даволаш мажмуи ишга туширилди. Тўрт йилдан бери кечиктириб келинаётган пардозлаш ишлари қирқ кун ичида (бунақаси бўлмаган) бажарилди. Дам олувчилар учун 2 — 3 ўринли хоналар, барча турдаги физиотерапия даволаш муолажалари, малакали мутахассислар хизмат қилаяпти.

Истиклол берган эркинлик туфайли компания ўз маблағлари эвазига бунёд этган яна бир муассаса Назарбекдаги ҳамшираларни тайёрлаш тиббий коллежи бўлди. У ўқув-техника ба-



йўловчи поездлари катнови очишли муносабати билан ўтган йилнинг август ойида темирйўлчилар ва қурувчиларга йўллаган табригидаги куйидаги мисралар хотирага келади:

«Ишончим комилки, сизлар-

турмуш шароитини яратиш компания раҳбарияти ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг диққат марказида турибди.

Янги йўналиш яқинда Амударё узра қурилаётган қўшма кўприк ҳам тармоқ ходимларининг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳиссаси бўлиши, шубҳасиз. Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллиги нишонланадиган йилда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ўтган йилдагига қараганда икки баравардан кўпроқ ўз маблағларини устувор лойиҳаларни молиялашга йўналтиришни режалаштирган.

Умуман, сафаримиз мобайнида мустақиллик йилларида бунёд этилган «Учкудук-2», «Майлисой», «Қурали», «Бузаубой», «Дунгулук», «Бургутли», «Мискин», «Тўрткўл», «Элликқалъа», «Беруний», «Султон Увайстоғ» каби бекатлар билан танишарканмиз, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси катта бунёдкорлик ишларини олиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтганидек:

Бу йўллар таратгай

Ўзбекнинг шонин,

Неча манзилларда

машъал ёққайдир.

Бу йўллар... Айланиб ҳали

дунёнинг

Чеккасига гуллар таққайдир!

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ,

«Тошкент

ҳақиқати»нинг

махсус мухбири.

Тошкент — Нукус —

Тошкент.

«ИСТИҚЛОЛНИНГ



нинг матонатингиз, билим ва маҳоратингиз билан барпо этилаётган мана шундай катта-катта йўллар ўзининг ёрқин келажиги сари интилаётган мамлакатимиз, халқимиз олдида янги истиқбол уфқларини очиши муқаррар.

Оғир табиий шароитларга қарамасдан, туну кун фидокорона меҳнат қилиб, мураккаб муҳандислик ва техник ечимлар натижасида

ЎН ИККИ БЕКАТИ»

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси (ДАТК) ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган Тошкент — Нукус сафари айнан шундай номланди

заси билан тўлиқ таъминланган. Энди бевосита компаниянинг асосий фаолиятига қайтадиган бўлсак, унинг тасарруфидаги бутун локомотив ва вагон саройи ўз хизмат мuddатини тўлиқ ўтаб бўлган. Шуни эътиборга олиб, мавжуд техникалар умрини узайтириш ишлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон темир йўллари-нинг транзит ўтказиш салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Юклар мамлакатимиз, хусусан, вилоятимиз ҳудудидаги темир йўллар орқали ўтказилиб, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек энг асосий мезонга эришиляпти. Юк ташиш шу йилнинг 7 ойида 22 миллион тоннадан зиёдроқни ташкил этди. Бу ўтган йилдагидан анча кўп. Йилнинг ўтган даври иш тажрибаси ушбу қадамларнинг бағоят тўғри танланганидан, юк ва йўловчи ташиш жараёнларининг тизим ва аниқ олиб борилаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Навоий — Учкудук — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлида

барпо этилган ушбу магистралда ташиш, йўл ҳўжалиги, алоқа ва сигналлаштириш соҳалари ходимлари йўловчи ва юк поездлари катновини беками кўст таъминламоқдалар. Сахро қўйнида темирйўлчиларнинг янги маҳаллалари, боғлар, дам олиш уйлари қурилиши, меҳнатчиларга қулай меҳнат ва



БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Мустақиллик байрамининг 12 йиллиги арафасида Чирчиқ шаҳрида саккизта савдо ва маиший хизмат кўрсатиш уйлари, умумий овқатланиш объектлари фойдаланишга топширилаётир. Шунингдек, иккита маҳалла гузарлари қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди.

Бундан ташқари, шаҳардаги 3- ва 30-сонли маҳал-

лаларда болалар учун футбол ва баскетбол майдон-

лари барпо этилди.

Республикаимиз ҳукуматининг «Болалар спортини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорининг ижроси муносабати билан тўртта теннис корти ишга туширилди, янги ўқув йили олдида мактабларга 150 миллион сўмлик турли-туман спорт анжомлари олинди. Айни кунларда умумхалқ ҳашари

ҳам ўтказилди.

30 август куни шаҳардаги «Фахрийлар чойхонаси»да байрамолди хайрия дастурхони ёзилади. Ёрдამга муҳтож ҳамда кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларга шаҳар ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар томонидан байрам совғалари берилади. Эндликда «Чимён» спорт маж-

муига қарашли «Кимёгар» футбол уйингоҳида эса катта байрам дастури намойиш этилади. Байрам куни марказий истироҳат боғида умумхалқ сайли ва спорт мусобақалари ташкил этилади. Шу каби тадбирлар корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Гузэл СОЛИЖОНОВА.

Олий табақа

«МЕТАЛЛУРГ» САФДАН
ЧИҚАДИМИ?

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий табақасида бўлиб ўтган 18-тур учрашувларидан сўнг жадвалда ғалати вазият юзага келди.

Афтидан, олтин ва кумуш медаллар тақдирини «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида ҳал бўладиганга ўхшаб қолди. Чунки, фарғоналиклар сафарда «Кўкон-1912» жамоаси устидан қозонилган ғалабадан (3:0) сўнг 48 очко билан биринчи ўринга кўтарилди. «Сурхон» — «Пахтакор» учрашуви 30 августга кўчирилгани боис тошкентликлар 47 очко билан иккинчи ўринга тушишди.

«Кизилқум» ҳам сафарда «Гулистон»ни 7:0 ҳисобида енгиб, 39 очко билан учинчи ўринда мустақамланиб олди. У билан изма-из келаётган «Навбахор» ва «Насаф» жамоаларида 32 тадан очко бор. Кўриниб турибдики, «Кизилқум» олтин ва кумуш ме-

далдан умид қилмасида, бронзани нақд қилиб қўйиш имкониятига эга.

Бу турда рақиб майдонида тўп сурган вилоятимиз вакиллари яна мағлубиятга учрадилар. «Дўстлик» «Цементчиға», «Металлург» эса «Машъал»га бир хил — 1:4 ҳисобда ўйинни бой бердилар. «Дўстлик» 24 очко билан еттинчи ўринда бўлса, «Металлург» анча хавфли вазиятга тушиб қолди. У ҳозир 15 очко билан 13-ўринда турибди. Охириги, яъни 16-ўринда турган «Кўкон-1912»да ўн икки очко бор. Демак, яна бир-иккита мағлубиятдан сўнг «Металлург» олий табақани тарк этишга мажбур бўлиши мумкин.

Биринчи табақа

«КИМЁГАР» БРОНЗАДАН
УМИДВОР

Биринчи табақа жамоалари навбатдаги ўн еттинчи тур ўйинларини ўтказганларидан сўнг чемпионат жадвалида айнан олий табақадагидек вазият юз берди.

«Сўғдиёна» (47 очко) ва «Локомотив» (44 очко) олтин ва кумуш медалларни бўлиб олишса ажаб эмас. Чунки, учинчи ўринда бораётган «НБУ-Осиё» 34 очко тўплаган.

Жадвалнинг тўртинчи поғонасини эгаллаб турган вакилимиз «Кимёгар»да 28 та очко бор. Шу боис, чирчиқликлар чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг сафарда «Хоразм-2003» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратганлари бунга далилдир.

Самад ЙЎЛДОШ.

Футбол

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ
ЛАТВИЯДАГИ ҒАЛАБАСИ

Рига шаҳридаги "Сконто" стадионида Латвия ва Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Айрим мухлис ва мутахассислар ушбу учрашувда мезбонлар осонликча ғалаба қозонишини тахмин қилганди. Лекин ўзбекистонлик футболчилар сафарда тўп суришига қарамай, ажойиб ўйин намойиш қилди. Ҳисоб биринчи бўлимнинг 41-дақиқасида очилди. Россия чемпионатида «Ростов» жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган А.Акопяннинг кучли зарбасини мезбонлар дарвозабони қайтаролмади — 1:0.

Иккинчи бўлимда латвияликлар ҳисобни тенглаштириш мақсадида бир неча кескин ҳужум уюштирди. Лекин терма жамоамиз посбони А.Поляков шу куни беҳато ҳаракат қилди. Латвия бош мураббийи

А. Старков ўйинда бурилиш ясаш мақсадида тактик ўзгаришларни амалга оширди. Бироқ, бу ўзини оқламади. Беллашувнинг 70-дақиқасида пахтакорчи А.Солиев мезбонлар дарвозасига иккинчи тўпни йўллади. Ўйин тугашига тўрт дақиқа қолганида А.Солиев учта ҳимоячини кетма-кет алдаб ўтиб, тўпни қулай вазиятда турган А.Гейнрихга оширди. Россиянинг «ЦСКА» жамоаси аъзоси А.Гейнрих чама-беради. Тўп тўғри дарвоза тўрига бориб тушди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилдаги учинчи ўртоқлик ўйинини 3:0 ҳисобидаги ғалаба билан яқунлади.

Ў.А.

ШАРТНОМАЛАР
ИМЗОЛАНДИ

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида республикаимизда фаолият юритаётган қатор федерациялар билан ушбу қўмита ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси ўртасида ўзаро уч томонлама шартномалар имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда федерациялар президентлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳар бир спорт турининг ўз етакчиси бор, — деди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов. — Спортнинг ҳомийси эса, федерация ҳисобланади. Федерациялар ўзларининг жойларда бўлимларини очади, халқаро федерациялар билан бевосита алоқа ўрнатади. Шу вақтгача республикада айрим федерацияларнинг ўз манзили, муқимий фаолияти, ҳаттоки, ҳисоб рақами йўқ эди. Бугунги имзоланган шартномаларда федерацияларнинг ўзлари иш юритиш, спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш, маблағ топишда мустақил фаолият юритиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди.

Ўз мухбириимиз.

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ КУЧ СИНАШИШДИ

Юқоричирчиқ тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман тадбиркорлар ва савдо ходимлари қасаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида Янгибозор марказий ўйингоҳида давлатимиз мустақиллиги байрамининг 12 йиллиги муносабати билан маҳалла ёшлари ва тадбиркорлари ўртасида «Камолот кубоги»нинг футбол турнири ташкил этилди.

Ушбу турнирда тумандаги кўрғон ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлари ва тад-

биркорларидан иборат жамоалари ўзаро куч синашишди. Мurosасиз ўтган саралаш турнирида энг кўп очко жамғарган

«Оқовул» қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Тегирмон», «Янгибозор» кўрғон фуқаролар йиғинининг «Янгибозор», «Аргачи» қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Жумабозор», «Тинчлик» қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Тинчлик» жамоалари финал босқичга йўллангани қўлга киритишди. Энди ушбу жамоалар Мустақиллик байрами куни фахрли ўринлар учун майдонга тушишади.

Латифжон МАНСУРОВ.

САВДО
ЯРМАРКАСИГА
МАРҲАМАТ!

Зангиота туман маркази Эшонгузар савдо мажмуасида республика ҳунармандларининг доимий савдо ярмаркаси ташкил этилган. Миллий ҳунармандларимиз томонидан тайёрланган чарм пойабзал, каллиш-махсилар, этиклар, аёллар сумкачалари, чопон, белбоғ, яхтак, дўппи, зардўзлик, аёллар, эркаклар, болалар кийимлари ва хилма-хил турдаги моллар савдосига харидорларни тақлиф этамиз.

Республика Кўчмас мулк биржаси
Тошкент вилояти филиалида

2003 йил 13 август куни бўлиб ўтган кимовши савдосида Юқоричирчиқ тумани ҳудудида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. бўлган тўртта ер майдони жами 232 000 сўмга ва Қуйичирчиқ туманида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган битта ер майдони 65 000 сўмга сотилди.

2003 йил 26 август куни бўлиб ўтган кимовши савдосида Юқоричирчиқ тумани ҳудудида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. бўлган саккизта ер майдони жами 474 000 сўмга ва Ангрен шаҳрида жойлашган, сатҳи 600, 440, 400 кв.м. бўлган бешта ер майдони 350 000 минг сўмга сотилди.

2003 йил 11, 13, 18 август кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Қибрай тумани ҳудудидаги жами 20 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари 4 590 000 сўмга, Чирчиқ шаҳар ва Бўстонлик, Қибрай туманлари ҳудудида жойлашган жами олтига нодавлат кўчмас мулк объектлари 4 590 000 сўмга сотилди.

2003 йил 20, 21 август кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Қибрай, Юқоричирчиқ туманлари ҳудудидаги жами 10 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари 2 470 000 сўмга ва Қибрай тумани, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарлари ҳудудида жойлашган жами бешта нодавлат кўчмас мулк объектлари 8 500 000 сўмга сотилди.

Шунингдек, 2003 йил 30 июлда сотилган Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига қарашли «Нексия»

русумли, давлат рақами 10 AN 065, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт харидор сатиб олишдан бош тортганлиги сабабли қайтадан 27 август кундан бошлаб кимовши савдосига чиқарилади. **Бошланғич баҳоси — 1 249 480 сўм.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиали сиз азизларни 2003 йил 24 сентябрь ва 8, 15, 22, 29 октябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилган навбатдаги кимовши савдосига тақлиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Олмалик шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбад эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Олмалик шаҳар, Навоий кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 006 гектар бўлган 15 та ер майдони. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 101 640 сўм.

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимовши савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимовши савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти босқичининг 1-и қооти.

Мурожаат учун телефон: 133-28-52, 133-77-18. **Факс:** 133-43-73.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2003 йил 15 августдаги 11-03-05/939-сонли иши Ажримига асосан, Бекобод шаҳридаги «Бекободцемтаъмир» очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисидаги» қонунининг (янги таҳрири) 28, 62, 65-моддаларига асосан Кузатув жорий қилиниб, Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Суҳ-

роб Марупов Муваққат бошқарувчи этиб тайинланган. Шу муносабат билан «Бекободцемтаъмир» очиқ акциядорлик жамияти биносида 2003 йил 26 август соат 11.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилади. Барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Аббосов кўчаси, 93-уй.

Маълумот учун телефон: 134-41-26, 8-291-25-418.

ФОЛЬКЛОРДА ЎТМИШ МУЖАССАМ

"Шарқ тароналари" тўртинчи халқаро мусиқа фестивали дастурида фольклор дасталари чиқишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу боис, анжуманга барча вилоятлардан фольклор ансамбллари таклиф этилган. Ургутнинг "Бешқарсақ" ҳамда Булунгурнинг "Чавқи" дасталари ҳам анжуманда иштирок этади.

— Мустақиллигимиз шарофати билан умрбоқий кадрятларимиз тобора қадр ва сайқал топиб борапти, — дейди Сурхондарёнинг "Бойсун" фольклор ансамбли аъзоси Тўра Давронов.

— Дастамиз унутилмас оҳанглари — халқимизнинг турмуш тарзи, миллий маданияти, орзу армонлари акс этган кўшиқ ва мусиқаларни янада оммалаштириш, келажак авлодга бор бўйича етказиш йўлида изланмоқда. Кувончлиси, боболару момоларимиз айтган қадим кўшиқ ва лапарларни Англия, Польша,

Россия каби давлатларда ҳам куйлаб, олқишга сазовор бўлди. Қаерда бўлмайлик, мухлислар ўзбек миллий кўшиқчилиги сарчашмаларини катта қизиқиш билан қарши олади.

Жамоамиз аъзоларининг нияти фестивалда мухлислару меҳмонларга қадим ўзбек кўшиқчилиги санъатини бор нозиклиги ва сирлари билан намён этишдан иборат.

Ў.А.

Турфа олам

ЕВРОПА ҲАМ ОЙГА ҚЎЛ УЗАТМОҚДА

Европа фазо агентлиги ҳам Ойни забт этишга киришмоқда. Шу йилнинг 4 сентябрида Франциянинг денгизорти департаменти ҳисобланган Гвианадаги Куру оролидан Smart-1 фазо кемаси Ойга парвоз қилади.

Учувчисиз бошқариладиган мазкур қурилма парвози аслида шу йилнинг март ойида амалга оширилиши керак эди. Ўтган йилнинг декабрида қурилмани фазога олиб чиқиши керак бўлган "Ариан-5" элтувчи ракетасининг ҳалокати бу режани бирмунча кечиктирди.

Smart-1 фазо кемасининг асосий вазифаси Ойнинг устки қатламини ўрганиб чиқишдан иборат. Бундан кўзланган мақсад эса йўлдошнинг қай тарзда шаклланишини аниқлашдир.

Орбитада Smart-1 элтувчи ракетадан ажралиб чиқади ва кўёш энергияси ҳисобига парвозини давом эттиради. Қурилма белгиланган манзилга ўн беш ойдан сўнг етиб бориши тахмин қилинмоқда.

Smart-1 қурилмасига ион зарядлари билан ишловчи ракета двигатели ўрнатилган. Зарур бўлганда у ўзидаги кўёш батареяларидан оладиган энергия ёрдамида тезлигини ошириши мумкин.

Қурилма рентген нурлари ёрдамида Ойнинг харитасини тузиб чиқиши керак. Барча тадқиқотлар Ой атрофидаги парвоз жараёнида амалга оширилади. Қурилманинг Ойга қўндирилиши кўзда тутилмаган.

Европа фазо агентлигининг ушбу тажрибаси муваффақиятли яқунланса, жаҳон оммаси Ойнинг дунёга келиши тарихидан бохабар бўлиши шубҳасиз. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Smart-1 тоифасидаги технология амалиётда фақат бир марта, АҚШ фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) томонидан қўлланилган эди.

Ў.А.

Кўргазма

СУРАТКАШ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Ўзбекистон Бадий академиясининг мрамор залида таниқли фототасвирчи Рустам Шагаев ижодий фаолиятига 25 йил тўлишига бағишланган рангли суратлар кўргазмаси очилди.

Икки юздан зиёд тасвирларда республикамизнинг бугунги қиёфаси, одамлари, маданияти, меъморчилиги, қурилиш иншоотлари, ёзувчи, шоир, фан-техника арбоблари, сўлим табиати, дарё, тоғлари, оромгоҳ жойлари, қушлари, тинчликдан дарак берувчи кабутарларигача акс эттирилган.

Маҳмуд АХМЕДОВ.

Bolalik bog'i

TILAK

*O'sib, unib ulg'aygin,
Yigit bo'lg'in o'g'lonim.
Olam bo'lsin tinch butkul,
O'qib, o'rgan — jahonim!
Uch pahlavon akangga,
Hamisha bo'lg'in hamdam.
Singling bilan opangga,
Hamisha bo'lg'in malham.
Sevib ona tuproqni,
Xalqingga xizmat qilgin.
Yashnat yaqin-yiroqni,
Vatanga tayanck bo'lg'in.*

Saida DUSHAYEVA.

— Мен эллик йилдан бери талай ташкилотларда бошлиқ лавозимда ишлаган тажрибали шахс сифатида сиз азиз ёш бошлиқлар семинарида котибадан фойдаланиш усуллари ҳақида ўз қарашларим, тўғрироғи тажрибам хусусида сўзлаб беришимни илтимос қилишди. Рози бўлдим.

Демак, котибадан қандай фойдаланиш керак, деган саволга менинг жавобим шундай:

Биринчидан, котибаликка ишга олинаётган аёл чиройли, қомати келишган, дилбар бўлиши, кулишлари ҳаммага ёқиши керак.



Ҳажвия

ЎН БИР БАНДЛИ ЙЎРИҚНОМА

Иккинчидан, сиз ишга келгунча чой дамлаб, столнингизнинг ўнг томонида, газета ва журналларни ҳамда почтани иш столнингизнинг чап томонида тартиб билан қўйсин.

Учинчидан, қабулхонага киришингиз билан лип этиб ўрнидан туриб салом берсин ва кабинетингиз эшигини очиб, илтифот билан киришингизни кутиб турсин ва тезлик билан ортингиздан кириб, пальтоингизни ечиб олиб, шифонерга илсин, телпагингизни ҳам қўлингиздан олиб олиб қўйсин.

Тўртинчидан, кабинетингиздаги кўзгуга қараб, ўзингизни тартибга солаётган пайтда хонадан чиқиб турсин.

Бешинчидан, беш дақиқа ўтар-ўтмас хонага кириб, иссиқ чойни рўпарангизда бир марта қайтариб, сўнг пиёлага қуйиб узатсин. Шкафингизда турган оқ қандни ҳам олиб келиб қўйсин ва ишорангиз билан эгилиб хонадан чиқиб кетсин.

Олтинчидан, хузурингизга кирмоқчи бўлганларнинг исму шарифи, қаердан келгани, ким бўлиб ишлаши ва нима мақсадда келганини суриштириб бўлгач, маълумотларни компьютерда териб, олиб кириб берсин ва розилингизни олгач қабулхонада кутиб турган кимсани хузурингизга киришига рухсат берсин.

— Кечиринг, домла, бир дақиқага ташқарига чиқиб келсам майлими? — деди охириги қаторда ўтирган ёши улурғок киши.

— Йўқ. Бу беадаблик ҳисобланади. Мен бундай номаъқулчиликни ёқтирмайман. Гапимни бўлган одамни умуман хуш кўрмайман, ундайлар билан бирга ишлай олмайман.

— Кечиринг, домла.
— Бу бошқа гап. Қаерга келувдик?
— Еттинчисига, — деди кимдир.

— Ҳа, еттинчидан, котиба рухсатингизсиз ҳеч кимни хузурингизга қўймасин. Ҳатто бир ўзингиз НТВда кино кўриб ўтирибсизми, «Аргументы и факты»ни варақляпсизми, барибир «бандлар» десин. Ҳатто ўринбосарларингиз ҳам кирмоқчи бўлса, эшикни тақиллатиб, бир дақиқадан сўнг киришин, унчага газетани бир чеккага суриб, телевизорни ўчиришга улгурасиз.

Саккизинчидан, котибанинг кийиниши жуда муҳим. У модага қараб кийинсин. Хонангизга ҳар

кирганида унинг қадди-қоматига қараб, ундан таралаётган мушқу анбарми, занжабилдан маст бўлиб, руҳиятингиз кўтарилиб, ишлаш қобилиятингиз ошиб туриши зарур. Баъзида унга гап отиб, ҳазил қилиб қўйишингиз ҳам мумкин.

Тўққизинчидан, котибангиз албатта турмуш қурган, аммо фарзандсиз бўлгани маъқул. Эри билан танишманг ва ишхонага келишига йўл қўйманг. Сиз нима десангиз ҳўп дейиши лозимлигини ишга олаётганда айтиб қўйинг. Шундан кейингина уни маоши дуруст бўлган лавозимга ҳужжатлаштириб қўйсангиз бўлади.

Ва ниҳоят ўнинчидан, у сизни қабулхонадан кузатиб чиқмасин. Бу ишни ўринбосарлар қилишин. Ходимлар котибангизнинг сизга қилаётган илтифотини камроқ кўргани ва эшитгани маъқул. Баъзан унга хўмрайиб, баландпарвоз гаплар айтиш, дўқ-пўписа қилиб қўйиш маъқул. Шунда ҳар хил гаплар тарқамайди.

Шу айтганларимни қулоғига илиб олган бошлиқнинг ошиги доим олчи бўлади.

Узр, яна битта арзимас гап эсимдан чиқибди, котибанинг бўйи, албатта, бўйингизга монанд бўлгани маъқул.

Сиз азиз, ёш бошлиқларга айтадиган тажрибали бошлиқ сифатидаги васиятларим, йўғе, насиҳатларим шулардан иборат. Бу Европача усулни қўлласангиз ёмон бўлмайди.

Тажрибали бошлиқ сўзларини тинглаб ўтирган ёш бошлиқлар қарсақ чалиб юборишди. Шу билан семинар ўз ишини تامомлади.

Тўлқин МУҲИДДИН.

Қилмиш-қидирмиш

ЎҒРИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

«Цементчилар маҳалласидаги болалар боғчасидан 120 минг сўмлик ёғоч-тахта ўғирланибди». Бу хабар Бекободда анча шов-шувга сабаб бўлди. Унга ички ишлар ходимлари чек қўйишди. Боғча мулкига кўз олайтирган ўғрилар тезда қўлга олинди. Улар йигирма ёшли З. Ҳамроқулов ва унинг жиноий шериклари С. Хўжақулов билан Х. Хожиёвлар бўлиб чиқди. Эгриқўллар эндиликда қандай ниятлар билан бу ўғриликни содир этганликлари юзасидан терговчига тушунтириш бермоқдалар.

Шерали АНВАРОВ,

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг ходими.

2003 йил 3 апрелдаги умумий йиғилиш ҳамда Тошкент шаҳар Давлат мулк қўмитасининг 2003 йил 7 августдаги 252-сонли буйруғига биноан «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» ОАЖ «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» МЧЖ сифатида қайта ташкил этилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.



Ёз ўтмоқда соз. Даврон АХМАД олган сурат-лавҳа.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШМЕНИСДА ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.